

Ушбу сонда:

2

ҲАҚ-ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК

3

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ барчанинг, ҳар биримизнинг ишимиз

4

«ОЛТИН БЕШИК» МАСЛАХАТХОНАСИ

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 20 июл, сешанба № 116 (1749)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Мустақилликнинг

13 йиллиги ОЛДИДАН

МУЗАФФАР ЭЛНИНГ ҒОЛИБ ФАРЗАНДИ

Бир ҳафтадан бундан юртимизда байрам, хурсандчилик, шодидна. 2004 йил 13 июлни тарихий сана сифатида нафақат бугунги авлод, балки биздан кейин овоз ва обод Ватанимиз сарҳадларидан умргузаронлик қиладиган неча-неча авлодларимиз ҳам фахр туйғуси билан нишонлаши тайин. Зеро, шу кун ўзбек шахматчиси Рустам Қосимжоновнинг номи дунёга дoston бўлди.

Буюк бобоконимиз Алишер Навоий 9 ёшида битган байти билан шеърят мулкнинг бўлғуси султони эканини аён этганини ёки Заҳриддин Муҳаммад Бобур 12 ёшида салтанат тожини кийгани каби 10 ёшида Ўзбекистон чемпиони, 15 ёшида Осиё китъаси чемпиони тисолида ўзини кўрсатган Рустам Қосимжонов бу гал - 24 ёшида ўз билими ва иқтисоди билан кур-

раи заминни лол қолдирди. Рустам ноёб истеъдод соҳиби сифатида миллатдошларимиз орасида хали ҳеч ким эришмаган юксак аъвол - шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Агар шахмат оламида энг нуфузли мусобақаси - жаҳон чемпионати XIX асрдан бундан ўтказилгангани ва ана шу узоқ даврда бу беллашуларда юртимиз ўғлинига қадар атиги 16 нафар хоризжлик спортчи жа-

ҳон тожини қўлга кирита олганини назарда тутадиган бўлсак, Рустам Қосимжонов нафақат Ўзбекистоннинг, айнаи чоғда олти миллиард нафар аҳоли истиқомат қиладиган она сайёраимизнинг ардоқли ва омадли чемпиони экани ойдинлашади. Холисона айтганда, не-не буюк зотлар учун муқаддас бешик бўлган қадимий заминимизда - айнан ўзбек дёрида туғилиб, камол топган



Рустам Қосимжоновнинг жаҳон шахмат тожини қўлга киритгани тасодифий ҳол эмас. Бу музаффарият, аввало, она юртимизда азалдан мавжуд маданий муҳит, юксак тафаккур мактабининг манткиий ҳосиласидир. Шунинг баробарида, бундай олиймаком натижа истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама камолга етиши йўлида барча шарт-шароит ва қулайликлар муҳайё этилганнинг яққол самарасидир.

(Давоми 4-бетда)

ШАҲАРУ ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ КУЛИБ ТУРСИН

Избосканликлар истиқлол байрамини маҳалла ва кўчаларни ободонлаштириш, хонадонлар, хиёбонларни гулзорга айлантириш билан нишонлашга аҳд қилдилар

Бир пайт Амир Темури маҳалласининг мустақиллик кўчасидан Тожион Тургунова бошлиқ сардор аёллар гуруҳи чиқиб келиб, ҳокимнинг хаёлини бўлишти. Опахон гуруҳининг мақсад ва вазифаларидан воқиф этди. Таркибига 10 нафар кўчабоши аёллар уюшган бўлиб, шу босидан ҳам «сардор аёллар» деб аталаркан. Гуруҳ эрталабки кўриқдан қайтаётганда.

Ҳоким маҳалла аҳолисининг иш билан бандлиги, кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимояси, оғоҳлик, тадбиркорликнинг йўлга қўйилиши билан қизиқди. Тожион опа ночор оилалардан Йўлдошани Усмонов хонадонининг моддий ёрдамга муҳтожлигини гап орасида қистириб ўтди. Шу гап баҳона биргалишиб, Йўлдошани акалар томонга йўл олишди. Мулоқотда жўжабидек жон эканлиги, эр-хотинларнинг ишсизлиги маълум бўлди. Баргиреклик, тотувлик, меҳр-муруват ўзбекларнинг шарқона қадриятлари. Оила тақдирини ҳеч кимни берақ қолдирмайди. Ҳокимият қўлидаги Йўлдошани аканинг ўғиллари учун хатна тўйи ўтказиладиган оила-бошлигининг ўзи эса, қорвоғиллика ишга жойлаштириладиган бўлди. Мактаб ёшидаги болалар бепул дарслиқлар, ўқув қуроллари, уст-бош билан таъминланиши белгилаб олинди. Шўролар даврида кўл учидан кун кеирадиган, қосаси оқармаган ночор оила билан маъмуларнинг иши бўлмасди. Дўппидек ховлида яшаганликлари, томорка ер сўраб, идоралар оstonасида оилаб сарғайганликларини ким билмайди, дейсиз.

Истиқлол одамлари бошқача. Ҳақ-ҳуқуқини таниган. Тожион опа ушлаган жойидан узадиган, маҳалланинг қорига ярайдиган, туманининг жонқуяр хотин-қизларидан. Ҳоким тарфида кўни маҳалладаги чирсиллаб турган масалалар - ишсизлик, ёз келиши билан боғлиқ санитария-эпидемиология ҳолатни яхшилаш,

ўрта ва кичик бизнес ривожига тўғаноқ бўлаётган муаммоларни ўртага ташладди. Маҳаллада ахлат уюмларининг қўлайлиши онахони ташвишга солаётганди. Бу аҳолининг саломатлигига, айниқса, кўчалар, хонадонларнинг санитария ҳолатига ҳавф солишини опа яхши биларди. Чунки Амир Темури маҳалласи фуқаролар зич яшайдиган маззелардан. 512 та хўжаликка 3045 нафар аҳоли жалланган бўлиб, маҳалла 16 та кўчага бўлинган. 80 нафарга яқин ишсиз ёшлар, 6 та кўчада тоза ичимлик сувининг йўқлиги кўндан бундан ечимини топмаётганда.

Натиха тез орада ечимини топди. Бугун маҳаллада чиқиндиларни хиллаб ҳақдоқладиган, хориз технологияси билан жиҳозланган замонавий кичик қорхона ишламоқда. Эътиборлиси, маҳалладошларнинг 16 нафари муҳим иш ўрнига, маошга эга бўлди. Юқорида тилга олинган 6 та кўчага тоза ичимлик суви келтирилган. Қорхонани ишга тушириш, сув қувурларини келтириш ва монтаж қилиш юмушлари «Мерси корпус» халқаро ташкилот вакили Чарльз Батс жаноблари мутаассадлиги остида амалга оширилди. Лойиҳага кўра, бу ишларга «Мерси корпус» томонидан 9 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланди. Амир Темуриликлар бир майзини қирққа бўлиб ейдиган ҳамжиҳат, танти маҳалла. Ободонлаштириш ишларига аҳоли шахсий маблағи хисобидан 3 миллион сўмлик улуш қўшилди.

Юқорида «Сардор аёллар» таркибининг хайри ишларидан келтирилди. Кўрик ойда бир марта ўтказилиб, маҳалла фуқаролар йиғини қарори билан энг намунали хонадон деб топилган оилада яқунлашни одат тусига кирган. Утган кўриқда Мавлудахон Усмонова хонадон «намунали оила» деб топилди. Яқунда мазкур хонадон қимматбахо идиш-товоқ тўппалари билан мукофотланди. Маҳалланинг санъат ишқибозларидан тузилган «Кўнук аёллар» ашула ва рақс дастаси бор. Дастанинг чиқишидан кейин кўрик голиби бўлган ушбу хонадон-

да турмуш маданиятига бағишланган маҳалла семинари ўтказилди.

Таркибининг иш кўлами кенг. Ободончилик, бола тарбияси, тозалик, ишсизликни олдини олиш, янгича маросимлар, оилавий муносабатлар қамраб олинган. Ҳафизахон Иброҳимова, Нарғиза Тургунова, Доноҳон Яхшибоева таркибининг энг

фаол аъзоларидир. Аёллар ўртасида ишсизликка барҳа қилишга таркибининг роли катта бўляпти. Маҳалла онахони Тожион Тургунованинг маҳаллада билан худуддаги бўш ётган масжид биноси ўрнида неварчилик цехи очиб ҳаққида туман ҳокимлигига таклиф билан чиқилди. Ҳокимлик ташаббусни қўллаб-қувватлади. Қарор билан бино маҳалла балансига ўтказилди.

Республика Президентининг хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини яхшилаш тўғрисидаги Фармонидан кейин, маҳаллий тадбиркорлардан Қаноатхон Тургунова бинога ишсиз ўтирган хотин-қизларни йиғди. Туман бандлик бўлими билан биргаликда «Уста-шогирд» тизими бўйича уларни тикувчилик касбига ўргатди. Бўлим томонидан шогирдларга стипендия ажратилди. Тикувчилик цехида келгусида 14 нафар хотин-қиз қўним топади. Бинони таъмирлаш, янги цех очиб таъйёрлик ишлари қизғин борапти.

Бу қунарлар етганлар бор, етмаганлар бор. Дориломон замон деб шунини айтдилар. Шўролар даврида ҳунарли киши хор эди. Чеварлар эшикни ичидан тамбалаб тунлари яширинча дўппи ёки чопон тикиридилар. Негаки маъмулар ноқонуний даромад топишлардан, деб зугум қилардилар.

Биргина Амир Темури маҳалласида 20 га яқин тадбиркор фаолият юритмоқда. Оилавий тадбиркор Доноҳон Тожибоева таъйёрлаган кўркам либослар қириқдорлар ўртасида кўлма-қўл, Турсуной Исроилова иссиқхонасида кишин-ёзин ёз нематлари етиштириляпти.

Адхамжон Бўстонов шахсий фермасида чорва моллари парвартиляпти. Ҳайит байрамларда етим-есир, ночорлар, боқувчисини йўқотганларга бепул гўшт, сўт улашишни қанда қилмайдилар. Шаҳру қишлоқ шинам, обод саришта бўлса, мустақиллигимиз байрами янада сафоли ўтади.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Б.Мустафоев бошқарди. Мажлиста Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловга тайёргарлик қўриш, уни ўтказиш ва Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури қўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Дастур уч босқичдан иборат. Биринчи босқич сайлов кампаниясини ўтказишга тайёргарлик қўришни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда биринчи босқич тадбирлари Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилмоқда. Тошкент вилояти, Фарғона, Нукус, Жиззах ва Тошкент шаҳарларида сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари вакиллари, халқ таълим тизими ходимлари учун «Ўзбекистон қонунлари ва 2004 йилда демократик сайлов ўтказиш механизмлари тўғрисида» туркум семинар-тренинглари ташкил этилган бунинг ёрқин далилидир. Бу ишлар изчил давом этмоқда.

Иккинчи босқич Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилишдан сайлов кунига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу маъсуляти вақт мобайнида мамлакат ҳамда вилоятлар ва туманлар миқёсида сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш, сайлов округлари ва участка сайлов комиссиясини ташкил қилиш ва участка сайлов комис-

сияларининг сифат жиҳатидан таркибини белгилаш, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан ҳужжатларни қабул қилиш, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатдан ўтказиш, улар учун сайловолди кампаниясида тенг имкониятлар яратиш бўйича катта таъйёргарлик ишлари ўтказилиши назарда тутилди.

Учинчи босқич эса сайлов кунидан бошлаб 2005 йил 26 февралгача бўлган даврда амалга оширилиб, парламентга сайлов ўтказиш, унинг натижаларини аниқлаш, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисларини ўтказишни назарда тутди. Олий Мажлис Сенатига сайлов ўтказиш муҳим тадбирлардан биридир. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари ўтказилди.

Мажлиста Марказий сайлов комиссияси ваколатига доир бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловга тайёргарлик қўриш, уни ўтказиш ва Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида» Қонуннинг 9, 10-моддалари ва Марказий сайлов комиссияси Регламентининг 9, 10, 28-моддаларига асосан Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловга тайёргарлик қўриш, уни ўтказиш ва Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури тасдиқлансин.
- Мазкур дастур тегишли давлат ҳокимият органлари, вазирлик, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, қорхона, муассасалар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ижро этиш учун юборилсин.
- Ушбу дастур бажарилишининг бориши қаттиқ назорат остига олинсин, бу вазифа Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Б.Мустафоев зиммасига юклатилсин.
- Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси **Б.МУСТАФОЕВ** Тошкент шаҳри, 2004 йил 17 июл

Тадбиркор Мухаббат Ташева вилоят «Сувкоава» ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли қаровсиз ётган болалар оромгоҳини сотиб олиб, таъмирлади. Болаларнинг мароқли дам олиши учун барча шароитни яратди.

ХУСУСИЙ ОРОМГОҲ


Шу кунлари шинам ётоқхоналар, юз ўринли ошхона, сув ҳавзаси, ювиниш хоналари, спорт майдончаси болалар ихтиёрида. Меҳр ва муруват йили муносабати билан тадбиркор кам таъминланган ўн икки оила фарзандларига бепул йўланма берди.

«ГУЛИСТОН» ҚАРШИГА БОРАДИ

«Футболимиз келажиги» мусобақаларининг 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасидаги вилоят босқичи ниҳоясига етди.

Финалда ромитонлик ва вобентлик ёш футболчилар майдонга тушди. Ромитоннинг «Гулистон» маҳалласи ўсмирлари рақибларини 2:1 ҳисобида мағлуб этиб, мусобақанинг Қарши шаҳрида ўтадиган мамлакат босқичига йўланмани қўлга киритди. (ЎЗА)

ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН



Қарши шаҳри қадимда Нахшоб, Насаф номи билан Шарқ Фарбда маълум бўлган. Машҳур «Буюк ипақ йўли»нинг асосий тармоқларидан бири ҳам айнан шу шаҳар орқали ўтган. Унинг асрада бутун мусулмон олим алломаларининг Насаф шах-

рида бўлиб ўтган «Мажлиси тадрис» илимий анжуманининг ўтказилиши ҳам ушбу маскан қандай мавқега эга бўлганидан далолат беради. Қарши шаҳрининг дастлабки ўрни бўлган «Ерқўрғон» тепалигида олиб борилган археологик қазилмалар шаҳар тари-

хи 2700 йилларга тенг эканлигини кўрсатиб турибди.

Хозирги қадимий ва ҳамisha навқирон Қарши шаҳрида 224 мингдан ортиқ аҳоли мавжуд 62 та маҳаллада истиқомат қилади. Бу ерда 43 та ўрта мактаб, 48 та болалар боғчаси, йигирмага яқин

коллек ва лицейлар, битта университет ва битта олий-гоҳ мавжуд. Ушлаб замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шифохоналар аҳоли хизматида.

Нуфузли ташкилот - ЮНЕСКО 2005 йилда Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Айнаи кунларда бутун Қашқа воҳаси мазкур тадбирга таъйёргарлик қўряпти. Айнаи кунда шаҳарда вилоят ва шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан кенг қўламдаги ободонлаштириш ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда, кенгайтирилмоқда.

Суратда: спорт коллежи директори С.Расулор (чапда) ва иш бошқарувчи Э.Турдиев билан қурилиш сифати ҳақида суҳбатлашяпти.

Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат

ФЕРМЕРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ХИЗМАТ

Мамлакатимизда 2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ихтиссослашган лизинг компанияларининг бу борадаги хизматлари ҳақими тобора кенгаймоқда.

Жорий йилда мингга яқин фермер хўжалигига ўндан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалиги машиналари имтиёзли лизинг маржалари асосида етказиб берилди. - деди «Ўзқишлоқхўжалиқмашинлар» акциядорлик лизинг компанияси бошқураги раиси Одилбек Аҳметов ЎЗА муҳбирига. - Тўрт юздан ортиқ фермерга эса тугатилган ширкат хўжалиқларидаги техника тақсимлаб берилди. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган самаралари ва камхарж ТТЗ-80,11, МХМ-140 русумли

тракторлар ҳамда тиркамалар, «Кейс-1200» дон экиш сепаласи, «Мульти-мастер» плугларига айниқса талаб катта.

Таъдилларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиздаги олти лизинг компанияси амалга ошираётган операциялар улусининг қарийб етмиш фоизи «Ўзқишлоқхўжалиқмашинлар» ҳиссасига тўри келади.

СОҒЛОМ ОИЛА

«Соғлом оила» спорт мусобақасининг Қашқадарё вилояти босқичи якунланди. Унда туман ва шаҳар босқичларида голиб чиққан ўн бир оила аъзолари иштирок этди.

Спортнинг беш тури бўйича ўтказилган эстафетادا шахрисабзлик Соҳибжон Нарзуллаев оиласи биринчи ўринни эгаллаб, мусобақанинг мамлакат босқичига йўланма олди. Қаршилик Илхом Холбозоров ва Азам Нажимов оиласи иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритди. (ЎЗА)

МАФТУНКОР РАНГЛАР ОЛАМИ

Сирдарё вилояти маънавият ва маърифат марказида хаваскор-рассомлар ўртасида «Мафтункор ранглар олами» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда 16-18 ёшдаги 25 ногирон бола иштирок этди. Уларнинг барчаси туман ва шаҳар танловлари голиб ва совриндорларидир. Кўрик-танловда Гулистон шаҳридан Ирода Нарзиева голиб деб топилди. Совриндорлар орасида янгиерлик Жасурбек Раззоқов, Нарғиза Алладердиева, сайхунбодлик Одина Худоерова ҳам бор. Уларга диплом ва қимматли совғалар топширилди. Энди голиб ва совриндорлар кўрик-танловнинг жорий йил август ойида пойтахтимизда ўтказиладиган республика босқичида иштирок этади. (ЎЗА)

Шундай одамлар бор бўлсин!

«Қорақалпоғистон 40 йиллиги» ширкати Қораўзақ туманидаги йирик чорвачилик хўжалиқларидан, Ширкат раиси Урозбой Шерғозиевнинг ташвиши янада кўпайди. Ёз иссиқ келганлиги чўпонлардан тадбиркорлик билан иш қилишни тақозо этади. Кўй-қўзиларни эрта саҳарда ва тунда яйловга ҳайдаш керак. Кўйи сабтига олган кўнларда молларнинг суви ва емидан ҳамisha ҳабадор бўлиш зарур.

Хўжалик раҳбари Ақилбой Ешмихонотариға етиб келганда бош чўпон қўйларни кўрага қайтарётган эди. Раҳбар ўтовга тушиб, чўпон оиласидан хол-аҳвол сўради. Касаба уюшма кўмитаси раисини қузурига чорлаб, юк машинасида олиб келинган озик-овқатлар, қанд-курс, мева-чевани тарқатишни илтимос қилди.

— Рўзгорда камчилигимиз йўқ, — дейди тахрибли чўпон Жумабой оға. Раҳбарлар тез-тез хабар олиб туришди.

Ешлигидан қўй-қўзи ордидан юрган киши кам бўлмади. Ақилбой Ешмихонотариғада 416 бош совлиқдан 426 та қўзи олиб, асосий қисмини ўстиришга қолдирди. Ўш ҳақидан ташқари қўзи, дон ва бошқа махсулотлар олди.

Фидойи меҳнатта муносиб рағбат чорвадорларини янада рўжлантиряпти. Хусусан, Есжонбой Шерғозиев, Ермак Нурматов, Асон Ешмухонотар ҳам

яқин натижаларга эришдилар. Хўжалик чорвадорлари 14 минг бош қўй ва 5 минг бошга яқин совлиқни намунали парвартишлаб, ҳар юз бошдан 97 тадан қўзи олдилар. Қўзиларнинг 65 фоизи ўстиришга қолдирилди. Таъёрлов ташкилотларига 1758 дон қоракўл тери топширилди. Баҳорги жун қирқиш муваффақиётли якунланди. «От бойловда, қўй яйловда» семиради, деб бежиз айтилмаган. Қорақалпоғистон шароитида чорва молларни дала-дашларда ўсадиган табиий ўсимлиқлар билан боқиб қутилган натижаги беради. Қўйлар соғлом ва семиз бўлади. Ёз жазирамасида яйловда меҳнат

қилиш осон эмас, албатта. Шунинг учун ширкат хўжалиги бошқураги кенгаши ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида чўпончиликларга қўллаб-қувватлаш белгиланган. Қўзилатиш ва жун қирқиш, йил яку-

ҚОРАЎЗАК ЧЎПОНЛАРИ

ни билан ҳар бир бош чўпонга 20-30 тадан қўзи, қамида олтига энг кам ишқик миқдорида қўшимча мукофот, бепул озик-овқат махсулотлари, киши киийим-кечаклар берилди. Чўпон биласидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болалар табиий кўриқдан ўтказилиб, қасал деб топилганлари ширкат хисобидан шифохоналарда даволанди.

Олис овулларда яшаётганларга савдо, маданий-مائийи хизмат қўрсатиш йўлга қўйилган. Чўпон оилалари доимий гамхўрлик билан қўршаб олинганлиги уларнинг кайфиятини кўтариб, меҳнат самарадорлигини оширмоқда. ИZZAT ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

БОШ ИСЛОХОТЧИ

да 9 нафар депутатга эга бўлган сиёсий партия ўз депутатлик фракциясини ёки фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўз депутатлик гуруҳларини тузишлари мумкин. Сиёсий партиялар фракциялари ёки гуруҳлар раҳбарлари Кунунчилик палатаси Кенгаши таркибига кирадилар.

Кунунчилик палатаси кўмиталари раислари, уларнинг ўринбосарлари ва аъзолари таркиби, Кунунда кўрсатилишича, депутатларнинг қайси сиёсий партия ёки гуруҳга мансублигини ҳамда улар сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда белгилади (17-модда).

Депутатлик фракциялари кунунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмасалар-да, Кунунга мувофиқ улар кунунлар лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқишда иштирок этишга ҳақлидирлар. Фракцияларга жуда кенг ваколатлар, шу жумладан, кунунлар ва қарорлар лойиҳалари юзасидан ўз тақлифларини киритиш, ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятлари доирасидаги масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш тўғрисидаги масалани кўриш, давлат органлари ва мансабдор шахслардан ўз фаолияти учун зарур материаллар ҳамда ҳужжатларни сўраб олиш ва бошқа ҳуқуқлар берилган.

«Сиёсий партияларни молилаштириш тўғрисидаги Кунун эса сиёсий партиялар депутатлик фракциялари фа-

олиятининг зарур маблағ билан давлат томонидан таъминланишини кунунлаштириб, уларнинг ишларини ўшунга тарзда олиб бориш учун яна бир катта имконият яратди.

Шундай қилиб, бўлажак ялпи сайлов натижасида мамлакатимиз тарихида ilk бор кўйи, яъни профессионал асосда мунтазам ишлайдиган Кунунчилик палатаси ва юқори, яъни ҳудудий вакиллик асосида тузиладиган Сенатдан иборат парламент шакллантирилади. Давлат сиёсий тизимидаги бу жиддий ўзгаришнинг мамлакатимиз ривож ва истиқболлари учун аҳамияти ноҳик даражада катта: жамиятимизни демократиялаштириш жараёнида янги поғонага кўтарилади, сиёсий партиялар, нодавлат, ноижорат ташкилотларнинг роли кучаяди, фуқароларнинг фаолиги ошади, кунунчиликнинг сифатлироқ бўлишига эришилади.

Янги сайлов ва унинг натижасида мамлакатимизда рўй бериши кутилаётган жиддий ўзгаришлар фуқароларни жамиятининг устуни бўлиши сиёсий партиялар учун янги катта имконият яратиб бериши билан бир қаторда, уларнинг зиммасига юксак масъулиятлар ҳам юклайди. Сайлов улар учун оғир синов. Ундан муваффақият билан ўтганлар Кунунчилик палатасидан муносиб ўрин эгаллашади, жамиятдаги маъқеларини мустаҳкамлашади, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тегишлилик иштирок этишлари, ўз дастурий қоялари, сайловолди ваъдала-

рини рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлишлари мумкин.

Бошқа сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон Халқ Демократик партияси ҳам ўшбу масъулиятни идрок этган ҳолда, сайловга тайёргарлик ишларини бошлаб кўрди. Марказий Кенгаш VII пленум қарорларида биноан ўшбу тайёргарлик қоявий-сиёсий, тарғибий-ташвикий ва ташкилий йўналишларда олиб борилмоқда. Улар доирасида ХДПнинг сайловолди сиёсий ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда барча ташкилотларда ўтаётган ҳисобот-сайлов компанияси жараёнида партия сафлари кўриқдан ўтказилмоқда, сайловолди ишларини олиб боришнинг дастур ва режалари тузилмоқда, фаоллар, ташкилотчилар ва тарбиётчиларнинг ўқуви йўлга қўйилмоқда.

Аҳоли турли қатламлари ўртасида ишларини яхшилаш мақсадида партия кенгашлари қошида хотин-қизлар шўбалари ва ёшлар марказлари ташкил этилиб, фаолият кўрсата бошлади. Маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ўқув юрталари, ҳарбий қисмларда партия раҳбарлари ва фаоллари, ХДПдан сайланган депутатлар, ижодкорларнинг урғушу ва очик мулоқотлари ўтказилиб, уларда Олий Мажлис XIV сессияси яқинлари ва Юртбошимизнинг ундаги нуқтаи назарини муносиб равишда таъминлаш мақсадида парламентга ўтишини аҳамияти, сайлов кунунчилигига киритилган янгиликлар ва 2004 йил декабрида бўладиган сайловларнинг хусусиятлари тушунириб берилди. Тингловчиларнинг ички ва та-


шқи сиёсат, ижтимоий муаммолар, халқро терроризм ва диний экстремизмининг келиб чиқиш сабаблари ҳамда зарарли оқибатлари тўғрисидаги кўпмақсадли саволларга жавоб қайтарилди. Мисол учун партия раҳбарияти ва МК қошидаги Ёшлар маркази фаолларининг яқинда Янгийул туманидаги «Нибёбош» ширкат хўжалигида ўтказган шоу-урчашувида мингга яқин кишлоқ ёшлари ва уларнинг ота-оналари иштирок этди. Унда Ўзбекистоннинг мустақиллиги, мамлакатимизда ёшларнинг камол топиши, учун яратиб берилган имкониятлар, амалга оширилаётган парламент ислоҳоти, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги роли, ХДПнинг дастурий қоя ва мақсад-муддаоси ҳақидаги мулоқот, савол-жавоблар билан бир қаторда шайхонлик, ашула, ҳазил-мутойибалар ҳам ўз ўрнида бўлгани учун барча қатнашчиларда катта таассурот қолдириди. Бундай далилларни кўпмақсадли таъминоти мумкин. Улар партия бўлажак сайловларга фақат ҳужжатлар, қарорлар эмас, балки амалда тайёрланганлигини ҳам далолат беради. Ўзбекистонда 2004 йилда бўлажак сайловнинг демократик руҳда ўтиши учун давлат барча шарт-шароитларни яратмоқда. Сиёсий партиялар бу ишга ўз хиссаларини қўшишига шайланмоқда.

Собир ҚУРБОНОВ,
тарих фанлари номзоди



Богот тумани Марказий шифохонаси касабга уюшма кўмитаси соҳа ходимлари манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ибратли ишларга қўл урмоқда. Тармоқ касабқўмининг 4 та бошланғич ташкилоти мавжуд бўлиб, уларда кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, ночор ва ногирон ходимлар ҳар томонлама ижтимоий муҳофазага олинган. Хусусан, яқинда 16 нафар кам таъминланган оила вакили бўлган касб эгаларига 90 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, саломатлик посбонларининг меҳнат шароитларини яхшилашда касабга уюшма фаоллик кўрсатмоқда. Турли байрам муносабатлари билан маданий тадбирлар ташкил қилиниши эса касбдошлар ўртасида ахиллик ва иноқликни мустаҳкамламоқда.

Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар



«ТОВОҚСОЙ»ДА БЎЛГАНМИСИ?

Пурвкор тоғлар билан безанган, ҳавоси салқин, атрофлари ям-яшил даракторлару болгарга бурканган сокин ва сўлим Бўстонлик туманидаги «Товоқсой» сийҳатгоҳида бугунги кунда кўпмақсадли сийҳатгоҳида дам олишмоқда. Ушбу маскани табиати каби шифокору қизилчиларнинг қалби тоза, ширинсухан экан. Республикаимизнинг турли вилоятларидан бу ерга шифо истаб келган инсонлар уларнинг хизматларидан мамнун. Даволаш, оқватлантириш, дам олдириш, табиат қўйнига сийҳат яхши йўлга қўйилган.

Чимён тизма тоғ манзаралари, «Оқ тош», «Чотқол», «Хумсон» сийҳатгоҳларининг гўзал табиати қимми кўвонтирмайди. Эл ардоғидаги Эрғаш Қаримов, Розагоним Қаримова, Бахтиёр Иктиёров, Зарифона Исмоилова, Шоҳида Узоқова, Турдибек Соҳиқов ва бошқа санъаткорларнинг кўрсатган намоийшларини айтмайми? Илгарилари сийҳатгоҳда қозонча бېрмас, ошқонаси эса талабга жавоб бермас эди. Шунинг учун энг аввало қозонча кўриб, иситиллар, хона ва бошқа жойлар қайта таъмирланди. Кейин замонавий ошқона қурилди. 500 ўринга мослаб қуриб битказилган янги ошқонанинг ишга тушганига ҳам бир йил бўлди. Мана 2 йилдирки, ёрдамчи ҳўжалик ташкил қилиниб, 10 бош қорамол парваришланиб сийҳатгоҳ сўт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Хозирги кунда сийҳатгоҳда 12 нафар олий маълумотли мутахассис ва 38 нафар маҳаллаи хамширалар, 26 хилдаги даволаш мосламалари бу маскани таширф буюрганларга хизмат қилинмоқда. Албатта хозир кўпгина музолавлар техникалашган. Хоналар замон талабига жавоб беради. Шифокорлардан Жаҳом Раҳимбедрова, Расул Эрматов, Зулхайрид Аблометова, қабиларни санаторий фидойилари деса бўлади.

Жаббор ЖАМИЛОВ

ЖАННАТМАКОН ГЎША

Яккабоғ туманидаги Майна Ҳасанова номли болалар оромгоҳи Қизилдарё қирғоғида жойлашган сўлим гўша хисобланади.

Оромгоҳда ҳар йили 4 сменада 1300 нафар болалар маза қилиб дам олади. Бу ерда дам олувчилар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Хусусан, 8 та ётоқхонада мириқиб хордик чиқариш учун имкониятлар мавжуд. Ётоқхонада 400 ўринли ошқона, кутубхона, спорт майдонлари кўнгилдагидек таъмирланиб жиҳозланган.

Оромгоҳ Қосон ёғ-экстракция Ўзбекистон-Америка қўша корхонасининг бевосита ҳомишлигида ишламоқда. Корхона ишчи-хизматчиларининг фарзандлари салқин оромгоҳда маза қилиб дам олиш билан бирга, қандаш турли-туман йиллар, спорт мусобақаларида қатнашадилар. Сўлим тоғ баридаги экскурсиялар болаларнинг жони дили. Шу билан бирга Шайхоба, Яккабоғ ва Китобнинг тарихий обидаларига сийҳатлар уюштирилади.

Синфдош дўстим Кимсанбой Мирғозиев билан Жаҳомиддин Ойми кишпоғидаги ўрта мактабда ўн йил бери ўқиди. 1958 йили мактабни тамомлагач, ҳамма ҳар томонга учирма бўлди. Кимсанбой эса 1961 йили армия хизматини тутатиб, Россия пойтахти Москва шаҳрида мўқим яшаб қолди.

Шу йилнинг январ ойида Кимсанбой келибди, деган хабарни эшитиб, бутун маҳалла аҳли, ёру биродарлар билан дўстимиз дийдорига ошдиқ. Ахир, синфдош, сирдош оғайнимиз билан роппа-роса 43 йил қўришмаган эдик-да. Интиқлик ила кутилган ўшбу ажиб урчушунинг бир-тасаввур қилиб кўринг-а!

Хуллас, дийдорлашулар, қизгин гурунлардан сўнг барча меҳмонларни кузатиб бўлгач, Кимсанбой ўзи билан Москвадан олиб келган тўртта жомадонини ўртага қўйди:

– Мана, менинг бор бойликларим!

Маълум бўлишича, жомадонлардаги бойликлар – унинг қарийб 35 йиллик изланишлари, жумладан, ноанъанавий шамол чархпалаги - двигателининг турли чизмалари, шу иш юзасидан ёзишма хатлар, олинган патентлар ва бошқа тегишли ҳужжатлар экан. Ихтирога қизиқим сабабим, иккимизнинг сўбатимиз алламахалгача давом этди. У, айниқса ўз ихтироси тўғрисида

берилиб сўзлади.

– «Кундалик ҳаётимизда электр энергиясининг аҳамияти тобора ошиб бораётган бир пайтда, нахотки, арзонроқ, қулайроқ ва экологик хавфсиз электр токи ишлаб чиқариш мўсаммасини яратиш мумкин бўлмас!» деган савол тинчимнинг ўғирлади. Кўп йиллар ўқидим, ўргандим, изландим. Ҳар қандай оруннинг амалга ошиши иштиққ, мақсад сари дадил интиқлига боғлиқ экан. Узоқ йиллик меҳнатларим самараси ўлароқ ноанъанавий, андозаси жиҳатдан бетакрор янги шамол двигателини яратишга муваффақ бўлдим. Энг асосийси, кашфиётим арзон, автоном электр энергияси ишлаб чиқариш манбаи сифатида қоят қадрли санълади. У

Диққат, ихтиро!

ҳатто секундида 2,5-3 метр тезликда эсаётган шамолда ҳам электр энергияси ҳосил қилинади.

Айтгандек, дўстим билан илк сўбатимиз пайтида шамол чархпалагининг намунавий варианты, кўринишини ўз маҳалламиз – Далварзинда яратиш тўғрисида фикрлашган эдик. Орадан 6 ойлар ҳамаси вақт ўтди. Маҳалладошлар, ёш-яланглар кўмаги билан узунлиги ўн олти, эни ўн, баландлиги олти метр келадиган, ўн варрак (чархпалак)ли шамол двигатели тайёр бўлди. Кашфиётчи дўстимнинг ишонч билан таъкидлашича, бироз катталаштирилган ана шундай мослама, масалан, шамол доимла эсиб турадиган Бекободда ўрнатилса, Металлургия заводини электр энергияси билан бемалол таъминлаш мумкин экан.

